Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 23 МАРТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 – 61 (13.123 – 13.124)

Баҳоси эркин нархда

ЁШЛАР – МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилиб, уларга ўзининг меҳри ва ишончини билдиради.

Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида Юртбошимиз мамлакатимиз ёшларига қарата бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдига замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўяётганини қайд этди. Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қодир эканингизга ишонаман ва барчангизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман, деб алоҳида таъкидлади.

Бу сўзлар замирида Президентимизнинг Ўзбекистонга чексиз муҳаббати, унинг буюк келажагига ишончи, ёшларга улкан эътибори, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга, улуғ чўққилар сари дадил қадам ташлашга даъвати мужассам.

Ҳар бир ёш замонавий билимларни пухта эгалласа, ўз касбининг устаси бўлса, камолига кўз тиккан ота-онаси, халқининг юзини ёруғ қилади, мамлакатимиз фаровонлигига ҳисса қўшади. Юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ана шу эзгу муддаога, халқимизнинг азалий интилишлари негизи – баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Ҳар йили таълим-тарбия соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан қарийб 2 баробар кўпдир.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Айни дамларда юртимизнинг қай гўшасига бормайлик, Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрганини ҳис қиламиз. Жумладан, пойтахтимизнинг барча туманларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган оммавий халқ сайиллари бўлиб ўтди.

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ





Наврўз ободлик, ораставлик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз қадриятларимиз мужассамланган Наврўзи оламни ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Яратиш, яшнатиш, янгиланиш, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, нафосат ва гўзаллик айёми фасли навбаҳор, бу йил ҳам энг соф эзгу ниятларни жамлаб, меҳр-мурувватни, яхшиликни кўнгилларга сингдириб жаннатмакон ўлкамизга ташриф буюрди. Орзиқиб кутилган ушбу байрам халқимиз қувончига, қалб шодиёналари тантанасига айланиб кетди.

Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун пойтахтимизнинг барча туманларидаги 12 та майдоннинг 15 та саҳнасида байрамга бағишлаб, "Юртимнинг баҳори, соғиндик — Наврўз!" деб номланган умумхалқ сайли ва театрлаштирилган концерт дастурлари бўлиб ўтди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Фурқат, Бобур, А.Қодирий, "Локомотив" номидаги маданият ва истироҳат боғларида, Бектемир тумани Сувчи даҳасидаги "Қуёшча нури" боғида, Сергели туманидаги "Бахт диёр" гузари, "Ўзбек давлат цирки", Тошкент ҳайвонот боғи олди майдонларида, Марказий офицерлар уйида Наврўз байрамига бағишланган халқ сайиллари кўтаринки кайфиятда нишонланди.

Сайиллар ўтказиладиган жойлардаги саҳналар гуллар, шарлар, осориатиқалар, баҳор фасли тасвирланган самодаги ой, қуёш, юлдузлар, буржларининг акси туширилган паннолар билан байрамона бадиий тарзда безатилди.

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг театрлаштирилган концерт дастурлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси эстрада хонандаларининг баҳорни, Ватанни, муҳаббатни тараннум этувчи куй ва қўшиқлари, дилбар рақслари ва бошқа бир қатор санъаткорлар байрам сайлининг мазмунли ва кўнгилли чиқишини таъминлаб берди.

"Наврўз муҳаббат фасли", "Сумалак сайли", "Соғлом бўлинг, онажон — дейди Жажжи болажон", "Санъат ва спорт — тинчлик тимсоли" номли театрлаштирилган композицияларда томошалар, спорт мусобақалари, миллий халқ ўйинлари, полвон, дорбоз, масхарабозларнинг чиқишлари, фольклор жанри, варрак учириш ва авиамоделчилар танловлари байрам сайли тантаналарига янада завқ ва шавқ бағишлади.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилоятининг Кармана туманида ёш оилалар учун қурилган 64 хонадондан иборат янги "Камолот" уйи фойдаланишга топширилди.

● Жорий йилда 93 минг 700 гектар майдонда мўл пахта ҳосили етиштиришни режалаштирган Қорақалпоғистон Республикаси фермерлари чигит экишни бошлади. Шу муносабат билан Амударё тумани "Оқ олтин" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Назокат-Шокир" фермер хўжалигида ўтказилган кўргазмали семинарда мутахассислар, фермерлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари раҳбарлари иштирок этди.

● Фарғона шаҳрида "Fergana oseana textile" Ўзбекистон – Таиланд қўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда йилига 3 минг 600 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш ва сифатли, рақобатбардош ип-калава ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, тайёрланадиган маҳсулотларни Европа давлатлари, шунингдек, Россия ва Хитойга экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

● Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида "Соғломлаштириш дастури – амалда" шиори остида тиббий кўрик ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Жанубий Африка Республикасидаги жаҳондаги энг йирик олмос конидан яна бир ноёб бриллиант топилди. Ҳажми 10 карат бўлган ушбу қимматбаҳо тош ўзининг катталиги ва шаффофлиги билан мутахассисларни ҳайратга солмоқда. Ушбу ноёб бриллиантни Гонконгда ўтказилаётган кимошди савдосида 30 миллион долларга сотиш мўлжалланмоқда.

● ФИФА кейинги пайтда футбол қоидаларига киритган ўзгаришлардан бири — нуфузли мусобақаларда қўшимча вақтда тўртинчи футболчининг алмаштирилиши билан боғлиқ. Халқаро футбол ташкилоти ижроия қўмитасининг қарорига кўра, мазкур қоида бу йил ўтказиладиган бир нечта мусобақаларда амалга киритилади. Хусусан, бу янгилик Бразилияда бўлиб ўтадиган Ёзги олимпия ўйинлари, аёллар (U-20) ўртасидаги жаҳон чемпионати ҳамда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида синовдан ўтказилади.

● Япония мудофаа вазирлиги кейинги икки ярим — уч йил ичида аёлларни айрим қўшинлар турларига кенгроқ жалб этишни режалаштирмоқда. Бунда аёллар зарур тайёргарликдан ўтганларидан сўнг, улар учун тегишли негиз ташкил этилади.

МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу йил май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов бўлиб ўтади.

ЎзА мухбири **"Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Жовдатхон ИНОҒОМОВ** билан ушбу сайловнинг маҳаллалар, умуман, жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти, уни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида суҳбатлашди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий анъана ва қадриятлари асрлар оша яшаб келаётган маҳаллаларнинг нуфузи қайта тикланди, – дейди Ж.Иноғомов. – Ўзига хос "демократия дарсхонаси" бўлган бу институт фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида бу тизимнинг нафақат маънавий, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни мустаҳкамланди. Илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажарган 30 дан ортиқ вазифа ижроси бугун маҳаллалар зиммасида. Шу боис фуқаролар йиғинлари аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ҳал этувчи, халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи органга айланди.

Бу жараёнда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари фаолияти муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Конституциямизнинг 105-моддасига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур сайлов жараёни ҳам юртимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий бир қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид белгиланган устувор вазифалар маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ соҳага оид ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди. Фуқаролар йиғинларининг вазифалари кўлами кенгайтирилди.

Мазкур қонунда белгиланган меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани натижасида маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланаётир. Уларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги роли ошмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда олий таълим тизимини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ директори У.Бегимқулов, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари Ю.Штерк ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон таълим тизими жаҳон стандартлари асосида такомиллаштирилаётгани, олий ўқув юртларида замонавий билим ва малакага эга кадрлар тайёрланаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ўзбекистон ва Европа олий ўқув юртлари "Темпус" ҳамда "Эразмус Мундус" халқаро таълим дастурлари бўйича самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2014-2020 йилларга мўлжалланган "Эразмус плюс" дастури доирасида олий ўқув юртлари ўртасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётир. "Эразмус плюс" Европа Иттифоқининг таълим, касб-ҳунар таълими ва спорт соҳасидаги дастури бўлиб, у турли мамлакатлар талабаларига Европа олий таълим муассасаларида таълим олиш, университетлар ўқитувчиларига ўз малакасини оширишга кўмаклашади.

Анжуманда "Эразмус плюс" лойиҳаси доирасида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратини янада ошириш, таълим дастурларини такомиллаштириш, бу борада халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Адлия вазирлигида мутахассислар, экспертлар ва ОАВ иштирокида бўлиб ўтган тадбир "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг қонунчилик асослари" мавзусига бағишланди. Унда сўзга чиққанлар мазкур Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, йўналишлари, белгиланган вазифалар кўлами, ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида сўз юритишди.

Анжуман аввалида таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ҳамда унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилди. Бунинг самарасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Бу ишларнинг давоми сифатида 2016 йил 9 февралда Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тасдиқланди. Унда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли; оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган. Унга асосан, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга йўналтирилган 14 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатларини тартибга солишга қаратилган нормалар билан тўлдирилади.

"Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, таркибида генетик модификация қилинган организмлар бўлган истеъмол товарларини олиб кириш ва истеъмол қилишни чеклаш, шунингдек, болаларнинг озиқ-овқатларига, уларни қўллашга тақиқни киритишга қаратилган нормаларни назарда тутади.

Бундан ташқари, Давлат дастурида болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом оилада яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ва етим болалар ҳамда ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васийлик белгиланишини рад қилувчи касалликлар тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Матбуот анжуманида дастурнинг бошқа бўлимлари бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги жараёни юзасидан ҳам умумий маълумот берилди. Журналистлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишга масъул бўлган идораларнинг вакилларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

Мулоқотларда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан мутахассислар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўртага ташланди.

З. ШАРИФЖОНОВ

МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Қонунчиликда фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши зарурлиги белгиланган. Бу қоиданинг амалда таъминланиши учун қандай шарт-шароит яратилмоқда?

– "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасида қайд этилганидек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки тадбиркорлик ва бошқа хўжалик соҳасида иш тажрибасига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Фуқаролар йиғини раиси масъулиятли лавозим бўлиб, у маҳалла органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари ижросини ташкил этиши, давлат органларида, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фуқаролар йиғини номидан иш олиб бориши ҳамда унинг манфаатларини ифодалаши зарур. Бундай масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифа эгаси ўзининг ташкилотчилиги, хулқ-атвори, билими, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб туриши, эл орасида обрў-эътибор қозонган бўлмоғи даркор.

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигини самарали ташкил этиш фуқаролар йиғинлари вазифалари сирасига киради. Унинг ижросини таъминлаш, бу борадаги комиссиялар ишини фаоллаштириш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб этиш сайланадиган ҳар бир йиғин раисидан, унинг маслаҳатчиларидан юксак маҳорат, ташаббускорликни талаб этади.

Бу галги сайловлар жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари янада ривожланган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади. Унда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

– Сенат Кенгашининг қарорига асосан жойларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди. Улар қандай чора-тадбирларни амалга ошириши лозим?

– Мазкур комиссиялар қонунга мувофиқ ҳамда Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган "2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси"да назарда тутилган чора-тадбирлар асосида фаолият юритади. Улар қуйи турувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳларга услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичларида очиқлик ва ошкоралиқни таъминлаш мақсадида сайловларни ёритишга масъул бўлган ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар ҳақида оммавий ахборот воситаларида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Қуйи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари учун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларни ташкил этиш масалалари бўйича семинарлар ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадбирларга етарли билим ва тажрибага эга бўлган, сайлов қонунчилиги талабларини яхши биладиган ва тўғри тушунадиган малакали мутахассислар жалб этилади.

– Бўлажак сайловларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳаллий кенгашлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Сайловни ташкил этиш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратишда, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга зарур услубий-амалий ёрдам кўрсатишда, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлашда улар қандай чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим?

– Албатта, бўлажак сайловларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳаллий кенгашлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Қонунчилигимизда давлат органлари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда эса уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Айни пайтда, сайловни ўтказиш учун қулай жойлар (мактаб, коллеж, маҳалла бинолари кабилар)ни белгилаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда сайлов куни тиббий хизматларни ташкил этиш, биноларни жиҳозлаш, яширин овоз бериш учун кабиналар, урналарни ҳамда бюллетенларни тайёрлаш кабилар бўйича зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

– Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида ташкил этиладиган ишчи гуруҳлар бўлажак сайловларда нималарга эътибор қаратиши ва қандай чора-тадбирларни амалга ошириши керак?

– "2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси"нинг 10-бандида жорий йилнинг 1 апрелига қадар барча фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиши белгиланган.

Сайловни самарали ташкил этиш ва ўтказиш кўп жиҳатдан ишчи гуруҳлар фаолиятига боғлиқ. Чунки айнан ишчи гуруҳ сайловни ташкил этиш ва ўтказишда аҳолига энг яқин ташкилий тузилма сифатида фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларнинг ўтказилишини таъминлайди. Сайловда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда кўрсатади.

Ишчи гуруҳларни тузишда уларнинг 2,5 йил муддатга, яъни навбатдаги сайлов эълон қилингунга қадар фаолият кўрсатишини инобатга олган ҳолда унинг таркибига ҳар томонлама муносиб, ташаббускор ва обрўли кишиларни киритишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Миллий қонунчилигимизда ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилиши белгиланган.

Ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, йиғиннинг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари киритилиши мумкин эмас.

Ишчи гуруҳлар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради. Тегишли кўмаклашувчи комиссия белгилаган вакиллик нормасидан келиб чиқиб ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари сайловини ташкил этади. Бу жараёнда ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинади. Шу тариқа фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳар томонлама муносиб номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятида фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда муқобиллик принципини инобатга олган ҳолда энг муносиб номзодларнинг сайланишини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг маслаҳатчилари ҳам ушбу принцип асосида ҳар томонлама муносиб шахслар орасидан сайланишига эътибор қаратиши зарур.

Сайловда фуқаролар йиғини маслаҳатчилари лавозимига сайланадиган номзоднинг келгусида йиғин фаолиятининг йўналишлари бўйича тузиладиган комиссияларга, "Ота-оналар университети"га раҳбарлик қилишини инобатга олиш ва буни сайловчиларга тушунтириш керак.

– "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан сайловга тайёргарлик юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Фонд томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар билан ҳамкорликда сайловни юқори савияда ташкил этиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўмаклашувчи комиссияларнинг самарали фаолият кўрсатиши, ишчи гуруҳларни шакллантириш, сайловни ўтказиш учун қулай жойларни белгилаш ҳамда уларда зарур шарт-шароитлар яратиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда бўлажак сайловларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, бўлажак сайловларда энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда барчамизнинг фаол иштирок этишимиз, пировард натижада, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрнини янада мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

ЁШЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қурилаётган замон талабларига мос, барча шароитларга эга таълим даргоҳлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Биргина мисол: 2015 йили намунавий лойиҳалар асосида 29 янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди. Соҳада 384 объектнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди.

Холис айтинг: бутун дунё молиявий-иқтисодий таназзулни бошдан кечираётган, маҳсулот ишлаб чиқаришу иш ўринлари қисқарган шундай оғир ва мураккаб бир шароитда қайси давлатда таълим самарадорлиги йўлида шундай катта миқдорда маблағ сарфланмоқда?!

Буюк келажак йўлида яхши ният билан экилган ниҳоллар аллақачон ўз мевасини бераётир: ўнлаб ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришаётгани, жаҳон миқёсида илмий кашфиётлар қилаётгани ўзбек болаларининг салоҳиятини, қувваи ҳофизасини дунё тан олаётганидан, эртамиз эгаларининг ўзларига билдирилган ишонч ва эътиборга муносиб жавоб бера олаётганидан далолатдир.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети талабаси Ҳакимбой Эгамбердиев ана шундай ёшлардан.

...2015 йил, иккинчи август. Болгариянинг Влагоевград шаҳрида талабалар ўртасида бир ҳафтадан буён давом этаётган математика фани бўйича 22-Халқаро олимпиада якуний натижалари эълон қилинди. Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси ғолиблар қаторида Ҳакимбой Эгамбердиевнинг исм-фамилиясини ўқиганда қарсагу олқишлар узоқ тинмади. Боиси...

Дунёнинг элликдан ортиқ давлатидан 330 га яқин иқтидорли ёш иштирок этган олимпиадада камдан-кам учрайдиган воқеа рўй берди: жаҳоннинг нуфузли университетларидан таклиф этилган танлов ҳакамлар ҳайъатига ҳали йигирма ёшга ҳам тўлмаган ўзбек фарзанди математика фанининг асосчилари асли кимлар эканини яна бир бор эслатиб қўйди.

Ҳар кунги натижаларни таҳлил қилиб борган ёш математик босқичма-босқич йўл қўяётган хатоларни бошқа такрорламасликка, бор салоҳиятидан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилди. Ҳаммаси кўнгилдагидек кетаётганди. Аммо бир куни унинг комбинаторикага оид масаласига ҳакамлар томонидан ноль балл қўйилди. Ўз билимига ишонган Ҳакимбой апелляцияга берди. Оқибатда масала тўғри ечилгани, ечимга шу вақтга қадар фанда қўлланилмаган янгича усулда ёндашилгани исботланди. Шундай қилиб Болгариядаги Америка университети, Лондон университети, "Wolfram research", "Springer", "Jane street" каби халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида математика фани бўйича ўтказилган олимпиадада Ҳакимбой олтин медални қўлга киритиб, дунё аҳлига ўзбек ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор исботлади.

– Бугунги тараққиётга пойдевор бўлаётган математика, информатика, астрономия каби соҳалар бешигини тебратган Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ боболаримизнинг эзгу интилишларини давом эттиришдек бахтга мустақиллик туфайли эришдик, – дейди Ҳакимбой Эгамбердиев. – "Тарихи буюк мамлакатнинг келажаги ҳам буюкдир", деган фикр қалбларимизда акс садо бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътибори, университетимизда таълим олишимиз учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар илм-фанга меҳримизни тобламоқда, жаҳонда мамлакатимизнинг шон-шарафини мустаҳкам ҳимоя қилишимизга рағбатлантирмоқда.

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётгани бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг пухта ўйланган стратегияси, айни пайтда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган бекиёс ғамхўрлик ва ислоҳотлар самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг "Энергетикада замонавий технологиялар" лабораторияси кичик илмий ходими Бахтиёр Fозиевнинг илмий изланишлари бино-иншоотларда энергияни тежаш ва ундан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришда айни муддао бўлаётир.

– Мамлакатимизда энергия истеъмолининг деярли ярми бино-иншоотлар ҳиссасига тўғри келади, – дейди Бахтиёр Fозиев. – Аҳоли сонининг ошиб бориши натижасида ижтимоий аҳамиятга молик бинолар фонди мунтазам таъмирланмоқда. Янги турар жой объектлари қурилмоқда. Уларда энергия истеъмолини аниқ ҳисоб-китоб қилмаслик бир талай ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Биз яратган бино-иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш, баҳолаш ва уларни энергетик паспортлаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги дастур ана шундай муаммоларни бартараф этиш ва олдини олишда асқотади.

Кенг кўламдаги ушбу дастурда биноларда жисмонан эскирган ускуналарни янгисига – тежамлисига алмаштириш, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда шаҳарсозлик ва қурилиш меъёрларига ўзгартиш киритиш, яъни уларда замон талабларига жавоб берадиган технологик ечимлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда маҳсулот учун сарфланаётган шартли ёқилғи миқдорини камайтириш ҳисобига хизматлар ҳажмини ошириш, таннархини камайтириш, асосий қувватлар ва ёрдамчи хўжаликларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш кўзда тутилган.

Янги дастур миллий меъёрий-ҳуқуқий база талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бирга, халқаро тажриба ютуқларини ҳам ўзида мужассамлаштирган инновацион ишланмадир. У иншоотларда истеъмол қилиниши зарур бўлган, истеъмол қилинаётган энергия миқдори ва унинг маркировкасини юқори даражадаги аниқликда ҳисоблайди. Бундан бино эгаси бўлган аҳоли, ташкилот маъмурияти, энергоменежерлар, энергоаудиторлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва биноларни лойиҳаловчи архитекторлар манфаатдор.

Бугунги кунда ёш олим бир қатор давлат дастурларида фаол иштирок этмоқда. Унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фондининг "Ўзбекистонда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш", "Миллий иқтисодиётнинг паст-углеродли ривожланишга ўтишида Ўзбекистонга кўмаклашиш" лойиҳаларидаги муваффақиятли қатнашиши ёш олим илмий изланишларининг истиқболидан далолатдир.

Ўзбекистон азалдан ўзининг бой тарихи, жаҳон илм-фанига муносиб ҳисса қўшган алломаларининг буюк мероси билан дунёда ном қозонган. Бугун истиқлол фарзандлари ана шу улуғ аждодларимиздан ғурурланиб, уларнинг бой меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, янада бойитиб, фидокорона меҳнати, интилишлари билан барча соҳаларда давлатимиз куч-қудратини юксалтириш йўлидан бормоқда. Зеро, халқимиз уларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатади, Президентимиз уларнинг ҳар бирини менинг фарзандим, деб эъзозлайди, юксак марраларни забт этишига ишонади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадаллик билан ривожланиб, ҳар жиҳатдан турмуш тарзимизга кириб келганлиги боис, давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматларнинг баъзиларидан смартфонлар учун ишлаб чиқилган мобиль дастур ёрдамида қулай ва осон фойдаланиш имконияти юзага келди.

Солиқ

ҚУЛАЙЛИКЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан "Click", "Mbank" ва "U-Pay" тўлов тизимлари ёрдамида мобиль телефон ёки интернет орқали онлайн режимида тўлаш имконияти яратилган. Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланишда қўшимча пул олинмайди. Тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда қайд қилинади. Бунинг учун тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган Online-UZCARD пластик карталаридан фойдаланиш мумкин.

"Click" тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда солиқларни тўлаш учун, тизимга кириб асосий менюдан "Тўловлар" банди белгиланади, сўнг "Солиқлар" банди орқали қайси солиқ бўйича тўловни амалга ошириш лозимлиги ҳамда солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) киритилиб, тўлов суммаси ёзилади.

Солиқ ва мажбурий тўловларни электрон тарзда тўлаш тизимидан фойдаланувчилар сони кундан кунга ортиб бормоқда.

— Мазкур тизимнинг жорий қилинганлиги бизга бир қатор қулайликлар яратмоқда, — дейди Сергели туманида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркор Миракбар Икромов. — Энди биз тўловларни банкка бормасдан исталган вақтда ва хоҳлаган жойдан амалга ошираяпмиз. Бу эса ортиқча сарсонгарчиликнинг олдини олиш билан бирга, вақтимизни ҳам сезиларли даражада тежамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчилар учун яратилаётган бундай қулайликлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Улар ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, аҳоли ва тадбиркорларнинг вақти ва маблағини тежаш, оворагарчиликларнинг олдини олиш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.

Фарҳод УРМАНОВ,
Сергели туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи



Мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳага замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Сарвар Ўрмонов олган сурат









ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, туманлардаги маданият ва санъат марказларида, маҳалла гузарларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган кенг қамровли маданий тадбирлар юқори савияда ўтказилди.

Яккасарой туманидаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўз байрами сайлида баҳор, Наврўз, юртимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатлик, истиқлолнинг бебаҳо неъматларини тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Миллий маданият марказлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил этилди.

Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга миллий маданият марказлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус, пойтахт жамоатчилиги вакиллари таклиф этилди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик таъминлангани барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқ ва марраларда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Чилонзор туманидаги байрам сайли Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтди.

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёрлари: Ўзбекистон халқ артисти Мехри Бекжонова ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Александр Бекжоновнинг байрамона чиқишлари барчага бирдай манзур бўлди.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари, "Соғлом бўлинг, онажон — дейди Жажжи болажон!" болалар ашула ва рақс дасталарининг, "Севинч" намунали рақс дастаси, "Ёшлик" ва "Манзур" халқ вокал чолғу ансамбллари ва эстрада рақс гуруҳларининг чиқишлари туман аҳлига баҳорий кайфият улашди.

— Наврўз халқимиз томонидан қут-барака, меҳр-оқибат ҳамда тўкин дастурхон рамзи, — дейди сайил иштирокчиси Эътибор Жўраева. – Ҳар йили оиламиз билан Наврўз байрамини интиқиб кутамиз, ушбу боғда ташкил этилган байрам тантаналари қалбимизга чексиз қувонч бағишлади. Наврўз ҳаёт чироғининг ўчмаслигидан, ота заминнинг буюк само бағрида айланиши ва бобо қуёшнинг мангу нур сочишидан далолат беради. Қалбимизда эса гўзал туйғулар ғунча очади. Тилагимиз илоҳим шу муқаддас юртимизга кўз тегмасин.

Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси байрам сайлини Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказди. Карнай-сурнай наволари-ю, жарчиларнинг чорлови билан бошланган байрам тадбирида миллий ўзбекона анъаналаримизга, урф-одатларимизга, удумларга амал қилинди. Халқимизнинг азалий қадриятлари бўлган Наврўзни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, аския, фольклор жанридаги чиқишлар, цирк усталарининг қизиқарли ўйинлари, актёр ва қизиқчиларнинг дилтортар саҳна кўринишлари кўнгилларга қувонч бағишлади.

Айниқса Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров ҳамда иқтидорли актёр Сардор Мансуровнинг дил изҳорлари, "Гулшан" халқ ашула ва рақс ансамбли жамоасининг қўшиқлари йиғилганларга хуш кайфият улашди. Байрам иштирокчилари сумалак, ҳалим, кўк сомса каби Наврўз таомларидан, жозибали халқ ўйинлари ва томошаларидан баҳраманд бўлдилар.

— Наврўз ўзига хос ноёб, ажойиб байрам, бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова. — Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртимиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан далолатдир. Байрам сайлида халқимизнинг миллий ҳунармандчилик, кулолчилик, наққошлик, чеварчилик ва осори-атиқа буюмлари намуналаридан кўргазмалар ҳам ташкил қилинди.

Учтепа туманидаги халқ сайли ҳам Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида элимизнинг азалий қадриятлари, анъанавий урф-одатлари, дилрабо куй-қўшиқларига ҳамоҳанг равишда нишонланди.

"Санъат ва спорт — тинчлик тимсоли" шиори остидаги чиқишларда тумандаги ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Тумандаги "Кўнгил" бадиий ҳаваскорлик жамоасининг театрлаштирилган дастурлари байрам иштирокчилари қалбига бир олам қувонч бағишлади.

— Тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган бу байрам табиатга ўзига хос тароват бағишлайди, янги умид, янги режалар, руҳиятимизга ҳам енгилликлар олиб киради, — дейди Учтепа тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Рустам Юнусов. – Бундай фарахбахш дамларда инсон қалби беихтиёр қувончга тўлади. Шу кунларга етганига шукрона айтиб, шоду хуррамлик қилгиси келади. Шунингдек бу байрам меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан баҳраманд бўлишга, ҳаётнинг боқийлигига ишмон келтиришга ўргатади.

Байрам сайли доирасида варрак учириш, тош кўтариш, арқон тортиш, кураш ва миллий ўйинлар, турли спорт мусобақалари ташкил қилинди.

Муқаддас қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўзи олам шукуҳи дилларга қувонч бағишлади.

Бу йилги Наврўз тантаналарини **Бектемир** тумани аҳолиси ўзгача хурсандчилик билан ўтказишди. Эрта тонгдан маҳаллаларда ўзбекона урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассамлаштирган байрам сайиллари бошланди. Халқимизнинг неча минг йиллик тарихи ва миллийлигини ўзида мужассамлаштирган бу байрам ҳамжиҳатлик, одамийлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат айёмидир. Бу кунда ёрдамга муҳтож кишиларга беминнат ёрдам берилади. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралиб ёши улуғ кишиларнинг дуоси олинади. Уришганлар ярашиб, гина-кудуратлар унутилади. Ана шундай эзгуликларни ўзида жамлаган Наврўз айёмига бағишланган тадбирлар барча маҳаллаларда ташкил этилди.

Тумандаги "Қуёшча нури" номли боғда "Юртимнинг баҳори, соғиндик – Наврўз!" деб номланган умумхалқ сайли ўтказилди. Наврўз шундай байрамки, унда миллий куй-қўшиқлар янграйди, халқ оғзаки ижоди намуналаридан куйланади, миллий ўйинларимиз кураш, улоқ кўпкарилар ташкил этилади. Дастурхонларга баҳорий таомлар тортилади. Ушбу байрам сайлида ҳам бу жиҳатлар ўз аксини топди. Театрлаштирилган томошалар, бадиий жамоаларнинг чиқишлари, эстрада хонандалари томонидан куйланган дилбар тароналар каттаю кичикка хуш кайфият улашди.

Сергели туманида Наврўз шодиёнаси "Бахт диёр" гузарида бўлиб ўтди. Тадбирга тумандаги ёши улуғ отахону онахонларимиз таклиф этилиб, уларга миллий ва баҳорий таомлар улашилди. "Сумалак сайли" деб номланган театрлаштирилган томошалар доирасида баҳорни тараннум











Ислом Исмоилов олган суратлар

этувчи куй-қўшиқлар, аския, халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий халқ ўйинлари намойиш этилди. Цирк усталари, полвонлар, дорбоз ва масхарабозларнинг чиқишлари байрамнинг қизиқарли ўтишига ҳисса қўшди.

– Наврўз – халқимизнинг энг қадимий байрамларидан бири ҳисобланади, – дейди Сергели тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Зулхумор Болтабоева. – Бу байрам бирдамлик, меҳр-оқибат айёмидир. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча анъана ва удумларимизда, маърака ва маросимларимизда янада теран намоён бўлади. Айём арафасида ҳашарлар ташкил этилиб, ҳаммаёқ тозаланади, тартибга келтирилади. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар кўтаринки руҳда олиб борилди. Шу боис ҳам Наврўз халқимизнинг янгиланиш ва яшариш байрами сифатида эътироф этилади.

Байрам тадбирлари бошқа таълим муассасалари сингари Сергели туманидаги Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам қизиқарли тарзда бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ўқувчилар томонидан баҳор ва Наврўзга бағишланган шеър ва қўшиқлар айтилди, миллий ўйинлар, турли спорт мусобақалари ташкил этилди.

– Наврўз байрами миллий урф-одат ва анъаналаримизни ёшлар қалбига сингдириш, уларни қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари У.Мадаминов. — Бугунги кунда ёшларнинг орзуниятларининг рўёбга чиқиши учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали ёшларимиз ўз билимларини бойитиб, турли ютуқларга эришмоқда. Дунёнинг нуфузли олийгоҳларида билим олиб қайтаётгани қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга ўзбекона одатларни ҳам унутмаслиги лозим. Мана бу каби тадбирлар эса уларни миллий руҳда тарбия топишида катта ўрин эгаллайди.

Юнусобод туманидаги Тошкент ҳайвонот боғида ташкил этилган умумхалқ сайли туман аҳли ва пойтахтимиз меҳмонларига манзур бўлди.

Нуроний отахон-онахонлар, тумандаги фаол маҳалла маслаҳатчилари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, туманда жойлашган ўқув марказлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари иштирок этиб, янгиланиш ва яшариш байрамини кўтаринки кайфиятда нишонлашди. Ўзбек миллий академик театри актёр ва актрисалари тадбир иштирокчиларини самимий муборакбод этишди. Тадбирда жажжи болажонлар томонидан куй-қўшиқлар, рақслар, ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари учун ҳайвонот боғи бўйлаб саёҳат ҳам уюштирилди. Баҳорий таом бўлмиш сумалак ва ширинликлар тарқатилди. Таълим муассасаларининг ижодий ишлари бўйича кўргазмалар ташкил этилди.

— Баҳорнинг гўзал байрами ҳисобланмиш Наврўз табиатнинг уйғониш даври десак адашмаган бўламиз, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова. — Қадимий ва бетакрор, миллий ўзлигимизни англаш тимсоли бўлмиш Наврўз байрамининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш, она табиат, миллий анъаналарни эъзозлашга қаратилган кенг қамровли ишлар ёшларимиз онгу шуурини шакллантиради, маънавий бойитади. Айнан шу мақсадда ташкил этилган сайилда барча ҳамшаҳарларимизга "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" дея ният билдирдик.

Яшнобод туманидаги умумхалқ сайли Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги Маънавият ва маърифат маркази майдонида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Туман маҳаллалари Наврўз руҳини намоён этувчи ўзбекона миллий супаларни безатишган, шунингдек, унда дастурхонга тортилган баҳор таомлари барчага манзур бўлди.

— Умумхалқ байрами — Наврўзи олам тадбирларини кўтаринки руҳда ўтказишга ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз, — дейди Яшнобод туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи, туманда ташкил этилган байрам дастурининг бош режиссёри Назира Гайнулина. — Бу йилги халқ сайли "Юртимнинг баҳори, соғиндик – Наврўз!" деб номланди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари томонидан театрлаштирилган байрам томошаси намойиш этилди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими хонандалари, туман Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан куй-қўшиқлар жаранг сочди. "Санъат ва спорт – тинчлик тимсоли" блокида ёш спортчиларнинг кўргазмали, халқаро блокда "Калинушки" фольклор-этнографик ансамбли, "Нянчо" корейс рақс дастаси, "Камалак" халқ ва намунали рақс дастаси томонидан чиқишлар намойиш этилди.

Мудофаа вазирлиги қошидаги Маънавият ва маърифат маркази зарбли чолғулар оркестри ҳамда ижодий жамоаларнинг чиқишлари, эл севган хонандаларнинг она Ватан, тинчликни тараннум этувчи қўшиқлари янгиланиш ва яшариш айёми Наврўзни кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

Ўзбекистон Давлат цирки атрофидаги майдонда ташкил этилган умумхалқ сайли **шайхонтоҳурлик**лар ва бу ерга ташриф буюрган пойтахтимиз аҳли дилини шод этди. Карнай-сурнай садолари остида бошланган халқ сайли барчани байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлашга чорлади.

"Юртимнинг баҳори, соғиндик – Наврўз!" деб номланган умумхалқ сайлида халқимизнинг азалий қадриятлари бўлмиш Наврўз, баҳорни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, аския, фольклор, миллий халқ ўйинлари, цирк усталари, дорбоз, масхарабозларнинг чиқишлари, "Ўзбектеатр" ИИЧБ актёрларининг табриклари, миллий ва эстрада йўналишидаги хонандалар, созандалар ўз санъатлари билан йиғилганларни хушнуд этди.

— Ўлкамизга ўз файзу таровати билан янгиланиш ва яшариш байрами бўлмиш Наврўзи олам таширф буюрди, — дейди Дилноза Сафарова. — Наврўз аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади. Бугун юртимизнинг қай гўшасига қараманг, улуғ айём Наврўзнинг шукуҳи кезиб юрганини ҳис қиламиз. Ҳар йили оиламиз билан Наврўз байрамини орзиқиб кутамиз. Ташкил этилган сайилда қалбимиз ғурурга тўлди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлимининг эстрада хонандалари ва гуруҳлари, туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан ҳамшаҳарларимиз эътиборига ҳавола этилган куй-қўшиқлар барчанинг дилига ўзгача кайфият бағишлади. Уларни кузата туриб мустақил диёримизга кўз тегмасин деган ўй кечди. Арғимчоқларда яйраб учаётган митти ўғил-қизларга тадбир давомида ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари жуда манзур бўлди.

Шу куни пойтахтимизнинг барча туманларида халқ сайли кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Юртимиз бўйлаб жойларда ўтказилаётган шодиёна тадбирлари халқимизнинг қалбига чексиз қувонч бағишламоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
Зиёда РАСУЛОВА,
Абдуалим САЛИМОВ

ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

Янгиланиш ва яшариш байрами бўлмиш Наврўзи олам аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек туманидаги 105-сонли ёрдамчи мактаб интернатда ҳам "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан "Юртимда Наврўз" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Муассаса ўғил-қизларининг Наврўз – ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмини кўтаринки кайфиятда кутиб олишаётганини кўзларидан илғаш мумкин.

Урф-одатларимизга кўра, миллий ва баҳорий таомларимиз палов, кўк сомса, кўк чучвара дастурхон кўркига кўрк қўшди. Дошқозонларда сумалаклар пиширилди. Ёш санъаткорлар, "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказининг иқтидорли вакиллари томонидан чиқишлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади. "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ходимлари ва бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида намойиш этилган қизиқарли дастурлар ўғил-қизларнинг ёдидан чиқмайди, албатта.

— Дилларда Наврўз нафаси кезган бундай дамларда болажонларнинг бахтиёрлигини кўриш нақадар қувончли, — дейди "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши фаоли Муниса Сиддиқова. — Болажонларга бахтиёр лаҳзаларни ҳадя этган барча ҳомий ҳамда жонкуяр педагог-ходимларга миннатдорчилик билдириб қоламиз. Юртимиздаги тинчлик-осойишталикка кўз тегмасин.

* * *

Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тадбирлар барчага олам-олам қувонч бағишламоқда. Юртимга хуш келибсан, Наврўзи олам, дея қалблар ғурурга тўлмоқда.

Корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва таълим муассасаларида Наврўз айёмини кўтаринки кайфиятда нишонлаш мақсадида турли хил маънавий-маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой Ўқув СТК" унитар корхонасида ҳам "Ассалом, Наврўзи олам!" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков, МК "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК" унитар корхонаси маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва оммавий ташкилий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари Санобар Маматова ва бошқалар истиқлол йилларида халқимизнинг бой қадриятлари, маънавий ва маданий мероси тиклангани, азалдан Наврўз халқимиз томонидан қут-барака, меҳр-оқибат ҳамда тўкин дастурхон рамзи сифатида қадрланиши, мустақил юртимизга мана шундай байрамлар ярашишини таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, Наврўз мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган. Чунки у тинчлик, омонлик, бирдамлик байрами. Тадбир иштирокчилари халқимиз орасида асрлар оша эъзозланиб келаётган ушбу байрам шукуҳини яна бир бор ҳис этдилар.

* * *

Бугун юртимизнинг қай гўшасига қараманг, улуғ айём — Наврўз байрамининг кенг нишонланаётганига гувоҳ бўласиз.

Мирзо Улуғбек туманидаги Бобур номли маҳалла аҳолиси ҳам Наврўз байрамини муносиб кутиб олишмоқда. Маҳалла ва уй атрофлари, кўчалар ободонлаштирилиб, турли хил гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Айёмга бағишлаб маҳалла гузарида "Ҳар кунинг бўлсин, Наврўз!" деб номланган тадбир ўтказилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинида 3901 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли турли миллат вакиллари бўлишларига қарамасдан бир-бирларининг урф-одатлари ва қадриятларини ҳурмат қилган ҳолда аҳил ва иноқ яшаб келишмоқда. Яхши, ёмон кунларида доим бир-бирларига ҳамдам ва елкадошлар.

— Маҳалладошларимизнинг кайфиятлари кўтаринки, улар бу йилги Наврўзни ўзгача бир шодлик ва соғинч билан кутиб олишмоқда, — дейди Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Исмоилова. — Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани зиммамизга ҳам жуда катта масъулият юклади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. 8-оилавий шифохона шифокорлари ва ҳамширалари билан биргаликда ёш оналар ва туғруқ ёшидаги аёллар саломатлигидан хабардор бўлиш, улар билан давра суҳбатлари ўтказиш, тиббий маданиятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалламизда "Оила–маҳалла–таълим муассасаси" ҳамкорлиги борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли 121-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун турли хил фан ва спорт тўгараклари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари маҳалламиз қошида "Камолот" фаоллари тўгараги ташкил этилган бўлиб, бу ерда ўқувчилар ўқишдан бўш вақтларида қизиқиш билан ўз билим ва кўникмаларини оширишмоқда. Бу эса ўз навбатида фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишлари учун жуда муҳимдир.

Маҳаллада Наврўз айёми кўтаринки кайфиятда нишонланди. Тадбир давомида маҳалладаги ёши улуғ, нуроний онахон-отахонлар, маҳалла фаолларига байрам дастурхони ёзилди. Дошқозонда қайнаган сумалак байрам дастурхонига тортиқ этилди. Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари ўзлари театрлаштирган саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлари билан маҳалладошларига байрамона кайфият бағишлашди. Бир-биридан дилбар куй-қўшиқлар барчага бирдек манзур бўлди.

Зарина РУСТАМОВА

Реклама ўрнида

АВТОМАГИСТРАЛ ИАЙҚТБ
“KO`PRIK QURISH UCHASTKASI”
ЖАМОАСИ АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

Наврўз умумхалқ байрами
билан чин қалбдан табриклайди.
Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо бўлсин.
Барча ўйлаган ниятларингизнинг
амалга ошишига тилакдошмиз!

Universalbank

ХАТБ “UNIVERSALBANK” ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни гўзаллик ва нафосат айёми бўлмиш
Наврўз байрами билан чин юракдан муборакбод этади.
Ҳур диёримизга тинчлик-осойишталик, хонадонларимизга
файзу барака, халқимизга соғлиқ-омонлик тилаймиз.
Хайру саховат, меҳр-оқибат сингари эзгу
фазилатлар ҳеч биримизни тарк этмасин.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Наврўз умумхалқ байрами билан
барчангизни қизғин муборакбод этиб,
Сизга самимий меҳр ва
ҳурматимизни билдирамиз.
Толеингиз баланд, умрингиз узоқ,
ризқу насибангиз зиёда бўлсин.
Қалбингиздан Наврўз шукуҳи
ҳеч қачон аримасин!

O’ZBEKENERGO AJ “TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI” АЖ ЖАМОАСИ

“РОЙТАХТ” савдо-кўнгилочар маркази
ва “New Light Invest” МЧЖ шаҳримиз
аҳолиси ва меҳмонларини баҳор
ва гўзаллик айёми – Наврўз байрами билан
муборакбод этади!


Юртимиз тинч ва мусаффо осмон остида
гуллаб-яшнайверсин. Ҳар бир оилага бахт-
саодат ва омад ёр бўлсин.

“РОЙТАХТ” СКМ (+99871) 113-23-23.
Хизматлар лицензияланган
Маҳсулот сертификатланган

Реклама ўрнида







2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондига қарашли тиббий-ижтимоий марказда болалар германиялик мутахассислар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида касалликларнинг олдини олиш, болаларни соғломлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида соғлиғида нуқсони бор болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, зарур ҳолларда Германия клиникаларида даволанмоқда.

Мазкур ҳамкорлик доирасида пойтахтимизда ташкил этилган навбатдаги кўрикда Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидан келган болалар тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

– Ўзбекистонда болалар саломатлигига қаратилаётган эътибор таҳсинга сазовор, – дейди "Friedensdorf International" халқаро ташкилотининг ижтимоий ёрдам дастурлари координатори Мария Тиннефельд. – Юртингизда тиббиёт ривожлангани, шифохоналар замонавий технологиялар билан таъминлангани тиббий кўрикларни самарали ўтказиш, болаларни тўла соғломлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланаётганидан, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек олижаноб ишга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

– Ўғлим оёқларнинг ривожланмаслиги хасталиги билан туғилган, – дейди андижонлик Мактуба Ҳайитова. – Шифокорлар фарзандимнинг оёқларини операция йўли билан даволаш мумкинлигини айтди. Ҳар бир фарзандга алоҳида ғамхўрлик қилиб, оналаримизнинг бахтини бутун қилаётган Юртбошимиздан миннатдормиз.

Германиялик мутахассислар Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам тиббий кўриклар ўтказади. Жарроҳлик амалиёти зарур деб топилган болалар Германия клиникаларида даволаниш учун юборилади.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 12 февралдаги буйруғи ижросини таъминлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида Республикамиздаги даволаш-профилактика муассасаларида "Патронаж ойлиги" ўтказилмоқда.

ПАТРОНАЖ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бундан асосий мақсад Соғлом она ва бола йилида фертиль ёшидаги аёллар, ҳомиладорлар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар, ёлғизлар, ногиронлар, сурункали хасталиги бор беморлар ҳолидан хабар олиш ва керакли ҳажмда тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлашдир. Шаҳримизнинг бошқа тармоқлари қатори Бектемир туман Марказий кўп тармоқли поликлиникаси шифокор ва ҳамширалари ҳам Патронаж ойлигида фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, Ҳусайн Бойқаро номли маҳалла шифокори, туман бош координатори Умида Давронова бошчилигида "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш доирасида берилган патронаж сумкалар билан хонадонларда бўлиб, патронаж ишлари олиб борилмоқда. Аҳолига патронаж хизматларини кўрсатишда ҳамширалардан Сайёра Камолова, Марзия Йўлдошева ҳам ширин сўзлари, ҳам касб маҳоратлари билан кўпчиликнинг раҳматига сазовор бўлмоқдалар.

Даврон НУРМАТОВ

Соғлом оила, соғлом она, фаровон, қулай бўлган табиий ва ижтимоий муҳит соғлом наслни вояга етказишнинг энг зарур шартларидандир. Истиқлолга эришганимиздан буён ўтган вақт ичида Ўзбекистонимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели яратилди.

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА – ОИЛАНИНГ БАХТУ ИҚБОЛИ

Бу борада қатор йўналишларда олиб борилаётган самарали ишлар сирасига: муаммони ҳал қилишга қаратилган қонун ва фармонларнинг эълон қилиниши; тиббиёт соҳасидаги туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётгани; турмуш маданиятини юксалтириш; аҳоли ўртасида тиббий ва жисмоний маданиятни юқори даражага кўтариш; спортни оммалаштириш орқали жисмоний тарбия ва болалар спортини ривожлантириш; истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Она фарзандини ўз жисмида ҳис этган кунидан бошлаб, эзгу орзулар, яхши ниятлар, ширин ташвишлар оғушига ғарқ бўлади. Шу кундан эътиборан, юраги остидаги жигаргўшаси ҳаётининг мазмунига айланади. Унинг барча хатти-ҳаракатлари шу мурғак жоннинг эсон-омон, бедард-бешикаст дунёга келишига қаратилади.

Фарзанд туғилиши эса она учун энг ширин бахт, бекиёс фароғатдир. Энди она шу бир парча этни тонгларни шомларга улаб, парвариш этади, бекиёс меҳру муҳаббати ва оқ сутини бериб ўстиради. Гўдагига муҳаббат кўзлари билан боқиб турган онаизорнинг ширин табассум, ардоғ ва фидойилик акс этган юз ифодасини тасвирлашга қалам ожиз, сўз заҳиралари камлик қилади.

Фарзанд – оиланинг келажаги, ота-она умрининг, наслу насабининг давомчиси. У оилани мустаҳкамловчи, оила аъзоларини фарзандлар камолини кўришдек эзгу мақсад йўлида жипслаштирувчи олий мўъжиза. Соғлом она ва бола йилида эса бу эзгу мақсадга эришиш учун бутун бир халқ яқдил ва маслакдош бўлади.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази фаолиятининг бош мақсади ҳам мустаҳкам жамиятда бахтли оилаларнинг барқарор ҳаёт кечиришига қаратилгандир.

Баркамол авлод орзусини амалга ошириш, уни ҳаётий воқеликка айлантириш учун ота-оналарнинг фарзандларига ижобий таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, маънавий-маърифий жиҳатдан кучайтириш зарурати мавжуд. Уларни янги, илғор илмий-педагогик, тиббий-психологик технологиялар билан қуроллантириш эса, бу куннинг долзарб, кечиктириб бўлмас вазифаларидандир.

Бу вазифаларни амалга ошириш – ўқув қўлланмалар, услубий тавсиялар ҳамда оммабоп рисолалар, ота-оналар учун тўпламлар, турли замонавий ишланмалар тарзида амалга оширилади. Ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан синовдан ўтган тадқиқот натижалари асосида оилада баркамол авлод тарбиясига самарали хизмат қила оладиган омилларни, усул ва материални халқ оммаси ҳамда мутахассисларга тақдим этишда Республика "Оила" илмий-амалий маркази оилашунос олимларининг алоҳида ўрни бор. Оилашунослар ўз тадқиқотлари натижаси ва хулосаларини, оилалардаги муаммоларни бартараф этиш борасидаги таклиф ва тавсияларни мутасадди ташкилотларга тақдим этиш билан бир қаторда, оилашуносликка тааллуқли билим ва кўникмаларни ҳар бир оилага, ҳар бир ота-онага етиб бориши учун астойдил ҳаракат қиладилар. Илмий тадқиқотлари натижаси ўлароқ кўплаб китоблар нашр этадилар.

Хусусан, оталарга оила ҳаётида, фарзандлар тарбиясидаги олий мақомларини таъкидлаб, уларни янги марралар сари рағбатлантиришга қаратилган "Оталикнинг олий мақоми" рисоласи чоп этилди.

"Оила" маркази тавсияси ва бевосита ташаббуси билан корхона ва ташкилотларда, мактаб ва муассасаларда, маҳалла ва турар жойларда мунтазам фаолият кўрсатадиган ўқув курслари, жамоатчи мутахассислар маслаҳатхоналари, маҳаллаларда "Ота-оналар университетлари", Имконияти чекланган фарзанди бор ота-оналар тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган "Якшанба мактаби", ФҲДЁлар қошида никоҳга кираётган ёшлар учун "Оила дорилфунуни", шунингдек, "Алла уйи" маданий-маърифий маркази кабиларнинг ташкил этилгани яхши самара бермоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали мақсадли чиқишлар ташкил этилиб, бугунги кун оиласида мавжуд бўлган у ёки бу муаммо юзасидан малакали мутахассислар фикрини оммага етказишга ҳаракат қилинмоқда.

Бугунги кунда ота-оналар интернет орқали ҳам оилашунослар маслаҳати ва фикр-мулоҳазаларидан бахраманд бўлишлари мумкин. Бунинг учун: oilamarkazi.uz сайтига; fikr.uz сайтидаги allauyi блогига киришлари керак бўлади. Шунингдек, Республика "Оила" илмий-амалий марказига қарашли электрон почталари орқали ҳам оилашунослар билан интерактив алоқа ўрнатсалар бўлади.

Ҳафиза МАМАДАЛИЕВА,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори вазифасини бажарувчи, иқтисод фанлари номзоди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан биржа савдоларига чиқарилган ҳамда 2016 йил 12 февралдан 18 мартгача бўлиб ўтган "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларида сотилган давлат активлари савдоларининг натижалари РЎЙХАТИ

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг биржа савдоларида сотилиш нархи, сўм
1	"Ўзкимёполимерсавдо" АЖ	65,73	266 993	2380	41 639,02	11 117 326 600	11 117 326 866,86
2	"Ўзкоммаишийсавдо" АЖ	25	200 356	1000	4894,03	980 548 274,68	980 548 274,68

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй. Телефонлар: 233-22-83, 233-74-72

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!

2016 йил 25 апрелда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акциялар пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	"Ўзбекенгилсаноат" АЖ	15	307 154	4261,75	9868	3 030 867 220
2	"Ташгипрогор" АЖ	15	81 237	2515	14489	1 176 980 585
3	"Ўзсувлойиҳа"АЖ	15	82 616	1661	13274	1 096 610 085,28

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!

2016 йил 25 апрелда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акциялари пакети рўйхати
"Aloqabank" АЖ устав фондидаги 47,54 фоиз акция пакетларининг сотилиши бўйича "Биржа" газетасининг 2016 йил 7 январдаги №2 (2021)-сонида ҳамда "Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 7 январдаги 5 (13.068)-сонида чоп этилган рекламадаги жадвал қуйидагича ўқилсин:

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (АҚШ центида)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи (АҚШ доллари)
1	"Aloqabank" АЖ	47,54	461 413 575	110	9,26	42 704 529,00

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этишлари мумкин.
Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:
2016 йил 28 апрель **соат 10⁰⁰да**

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Жадвал сони	Ҳаракат таркиби тури
1.	7И	"Дўмбиробод мавзеси – Чилонзор буюм бозори бекати"	4	Микроавтобус
2.	14М	"Бекобод мавзеси бекати – Истиқлол кўчаси бекати"	5	Микроавтобус
3.	18М	"Қўйлиқ М4 АШБ – Авиасозлар АШБ"	10	Микроавтобус
4.	59М	"Қўйлиқ М4 АШБ – Учувчилар шаҳарчаси"	5	Микроавтобус
5.	66М	"Сергели қўрғони – Тошкент вокзали АШБ"	7	Микроавтобус
6.	81М	"Ўзгариш маҳалласи – Чорсу савдо маркази АШБ"	6	Микроавтобус
7.	122М	"Хонқа кўчаси – Чорсу савдо маркази АШБ"	3	Микроавтобус
8.	124М	"Ўрикзор мавзеси АШБ - Чорсу савдо маркази АШБ"	14	Микроавтобус
9.	125М	"Тошкент тиббиёт академияси – Чилонзор метро бекати"	10	Микроавтобус
10.	145М	"Мажнунтол" маҳалласи – Авиасозлар АШБ"	3	Микроавтобус
11.	152М	"Авиасозлар АШБ – Бешёғоч майдони бекати"	8	Микроавтобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

1.	1А	"А.Югнакий мавзеси АШБ – "Пахтакор" метроси АШБ"	9	Автобус
2.	13А	"Изза мавзеси АШБ – Тошкент МУМ АШБ"	9	Автобус
3.	14А	"ТТЗ бозори – Тошкент вокзали АШБ"	10	Автобус
4.	16А	"ТТЗ АШБ - Тошкент вокзали АШБ"	9	Автобус
5.	19И	"Қорасув 1-мавзеси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ"	7	Микроавтобус
6.	22А	"Дўстлик метроси АШБ – Тошкент МУМ АШБ"	9	Автобус
7.	52М	"Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ"	8	Микроавтобус
8.	53А	"Ўрикзор мавзеси – Истиқлол кўчаси"	9	Автобус
9.	63А	"Қорасув 1-мавзеси АШБ – Юнусобод мебель дўкони бекати"	10	Автобус
10.	64А	"Бирлик мавзеси – Пахтакор метроси АШБ"	7	Автобус
11.	67А	"Юнусобод 19-даҳаси АШБ – Халқаро Аэропорт-2"	9	Автобус
12.	71М	"Олой бозори бекати – Чилонзор 24-даҳаси бекати"	5	Микроавтобус
13.	75М	"Янгиобод мавзеси АШБ – Феруза мавзеси"	9	Микроавтобус
14.	79А	"Бирлик мавзеси – Бошлиқ мавзеси"	6	Автобус
15.	87А	"Чинни бозори бекати – Қорақамиш 2/4-мавзеси АШБ"	11	Автобус
16.	88А	"Ибн Сино 2-мавзеси – М. Юсуф кўчаси бекати"	12	Автобус
17.	92М	"Дўмбиробод мавзеси – А.Қодирий боғи"	9	Микроавтобус
18.	114А	"Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Жанубий вокзал АШБ"	7	Автобус
19.	119А	"Қўйлиқ 1-мавзеси АШБ – Электрокабель заводи бекати"	6	Автобус
20.	121А	"Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Чинни бозори бекати"	11	Автобус
21.	144А	"Ўзбекистон жамоа хўжалиги – Саодат савдо маркази"	6	Автобус
22.	147А	"Чорсу савдо маркази АШБ – Чинни бозори бекати"	12	Автобус
23.	153М	"Ал-Хоразмий мавзеси – Олой бозори бекати"	7	Микроавтобус
24.	183М	"Бинокор қўрғони – Қўйлиқ М4 АШБ "	5	Автобус
25.	195М	"Оқ ота қишлоғи – М.Юсуф кўчаси бекати"	8	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси – **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.**
Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.
Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ХАТБ "ORIENT FINANS BANK"нинг Юнусобод филиалидаги х/р **2021 0000 0041 9797 1001** (банк коди 01075, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **326 000 сўм** ўтказилади.
Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17⁰⁰да) тўхтатилади.
Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

Реклама ўрнида

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни яшариш, янгиланиш, гўзаллик ва нафосат рамзи хисобланмиш Наврўз байрами билан чин дилдан қутлайди.

Баҳор соғинчи, она заминга муҳаббат, Ватанга садоқат, эртанги ёруғ ва бахтли кунларга ишонч ҳисси Сиз азизларни асло тарк этмасин.

Кўклам ойининг кўркам байрами ўз қадамларида бахт, омад ва шодликларга тўла қувончли кунларни олиб келсин.

Қалбимиздан Наврўзи олам шукуҳи ҳеч қачон аримасин!

Азиз юртдошлар!

Барчангизни фусункор табиатнинг бебаҳо неъмати, ўз файзу таровати билан ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий қутлаймиз.

Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Наврўз ила қалбларимиз шодликка, гўзал диёримиз нурга тўлсин!



"5-АВТОБУС САРОЙИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

"SAXOVATBU" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни эзгулик ва яшариш байрами — Наврўзи олам билан чин кўнгилдан самимий табриклайди. Дилларга қувонч, қалбларга илиқлик бахш этаётган ушбу байрам юртимизга тинчлик, хотиржамлик, қут-барака олиб келсин. Ватанимиз обод, дилларимиз шод, хонадонларимиз нурафшон, ёшларимиз бахтли ва саодатли бўлишсин!





Ёлқин Шамғутдинов олган суратлар

Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича ўн беш ёшгача бўлган қизлар ўртасида мусобақа ўтказилди.

САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерацияси, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, қизлар ўртасида спортнинг Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган бадиий гимнастика турини янада оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мусобақада юзга яқин қиз ғолиблик учун баҳслашди.

– Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида фарзандларимиз, айниқса, қизларимизнинг спортга қизиқиши тобора ортиб бораётгани ҳар қандай кишини қувонтиради, – деди мусобақа бош ҳаками Екатерина Сафронова. – Қизларимизни ёшликдан спорт билан ошно этиш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Мусобақада Азиза Эгамбердиева, Динора Равшанбекова, Лола Зокирова, Диёра Ҳакимова, Надия Миранова, Алина Абдуллаева, Илона Тен, Мария Пак, Айде Гасанова, Асия Аскерова, Алексия Киселева ўз ёш тоифасида шоҳсупага кўтарилди.

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон теннис федерацияси ва Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ташкил этилган турнирда ўндан зиёд давлатдан келган теннисчилар яккалик ва жуфтлик баҳсларида куч синашди.

Яккалик учрашувларида теннисчимиз Жўрабек Каримов бош совринни қўлга киритди.

– Биз, ёшлар эришаётган бундай юксак марралар давлатимиз раҳбари томонидан спортнинг барча турларини изчил ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасидир, – дейди ЎзА мухбирига Ж.Каримов. – Орзуим "Катта дубулға" мусобақаларида ва Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришдир.

Жуфтликлар ўртасида теннисчиларимиз Шароббиддин Абзалов ва Ҳумоюн Султонов биринчи даврада беларуслик Александр Леоненка ва Александр Згировский, чорак финалда ҳиндистонлик Адил Калянпур ва франциялик Клемент Табур, ярим финалда Буюк Британия вакиллари Бен Дрэйпер ва Жэк Моллой жуфтлигини енгиб, финалга чиқди. Финалда Буюк Британия шарафини ҳимоя қилган Жэймс Дэвис ва Мэтю Саммерс устидан 7:6, 3:6, 10:5 ҳисобида зафар қучди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

МИЛЛИЙ СПОРТ ЙЎНАЛИШ ВА УСЛУБЛАРИ

Пойтахтимизда "Полвонлар Миллий энциклопедияси" жамияти ташаббуси билан ташкил этилган анжуман миллий спорт турларимизни мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёсда ривожлантириш ва оммавийлаштириш орқали спорт соҳасида эришган ютуқларимизни дунёга танитиш масалаларига бағишланди.

Жорий йилнинг февраль ойида Туркиянинг Истамбул шаҳрида Бутунжаҳон кураш уюшмаси (United World Wrestling) ташаббуси билан илк бор йирик халқаро форум ташкил этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад Олимпия дастуридан муносиб ўрин эгаллай оладиган жозибадор ва томошабоп спорт турларини янада кенгайтиришга қаратилди. Форумда иштирок этган 50 дан зиёд давлат вакиллари орасида Ўзбекистон делегациясининг миллий спорт турларини ривожлантириш юзасидан киритган янги таклифлари барчада катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Норқул Юсупов раҳбарлигидаги Ўзбекистон "Белолиш ва учкураш" ассоциацияси делегацияси томонидан қатор йиллар мобайнида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва илмий изланишлар доирасида кураш бўйича ишлаб чиқилган янги йўналишлар ва тавсия этилган таклифлар барчада катта таассурот қолдирди. Йиғилганларга ҳаваскор ва профессионал курашчилар ўртасида ўтказиш учун белгиланган учкурашнинг кураш, беллаш ҳамда олиш йўналишлари ва янги услублари ҳақидаги видеофильм намойиш этилиб, махсус чоп этилган қўлланмалар тақдим этилди.

Тадбир якунида қадимий тарихга эга бўлган миллий курашимизнинг янги йўналишига алоҳида эътибор қаратилиб, Бутунжаҳон кураш уюшмасининг истиқболли режалари рўйхатига киритишга қарор қилинди. Уни кенг тарғиб қилиш масалалари илгари сурилган. Шу муносабат билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази билан "Белолиш ва учкураш" ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида миллий спорт туримизнинг янги йўналишлари ва услублари ҳақида аниқ маълумот берилди.

"Полвонлар Миллий энциклопедияси" жамияти матбуот хизмати



Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида моҳир кулол Абдувоҳид Каримовнинг "Мовий Бухоро кулолчилиги" номли шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

ЎЗБЕГИМНИНГ КУЛОЛЧИЛИГИ ЖАҲОНГА МАШҲУР

А.Каримов ижодининг асосий қисми Бухоро мовий кулолчилиги анъаналарини қайта тиклашга қаратилган. XX аср бошларида айнан мовий кулолчилик анъаналари изсиз йўқолиб кетиб, асосан қадимшунослар томонидан, музей фондларида фрагмент ҳолида учраб туради.

– Бугунги кунда мен эътиборимни, Бухоро кулолчилигини XVIII аср даврига хос анъаналарини тиклашга қаратганман, чунки мана шу давр услуби ўзига хослиги билан ажралиб туради, – дейди иқтидорли кулол Абдувоҳид Каримов. – Айнан шу даврга хос Бухоро кулолчилиги фрагментини ўз уйимда қурилиш ишлари олиб борилаётганда икки метр чуқурликдан топиб олдим. Топилган фрагмент мовий (мис оксиди) ҳамда қизғиш (марганец оксиди) рангли бўлиб, идишга ўсимликсимон нақш чизма услубида ишлаб, нақш устидан ишқорий сир билан сирланган. Ишқорнинг ишлатилиши, нафақат Фарғона водийси Хоразмда, балки Бухорога ҳам хос технологик услуб эканлиги аниқланди. Шу сабабли ишқорли сир технологиясини чуқур ўрганиб келмоқдаман.

Кўргазмада устанинг кулолчилик асарлари, илмий изланишлари, янги композициялари намойиш этилмоқда.

Кўргазма 4 апрелга қадар давом этади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат

"101"

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ЁНҒИНГА БОШ САБАБ

Ҳар бир фуқаро масъулиятни ҳис этиб, доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Аммо кўп йиллик ёнғинларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки аксарият ҳолатларда "тилсиз ёв" фуқароларнинг эътиборсизлиги ва айби билан содир бўлган.

2015 йилда сигарета чекиш оқибатида республикамизда 1814 та ёнғинлар содир бўлган. Ёнғинлар натижасида 51 та инсон ҳалок бўлган, 38 киши турли хил тан жароҳати олган.

Чекувчилар гугуртини ёқиб сигаретасини тутатганларида ўзининг соғлиғига зарар етказишдан ташқари атрофдагиларга ҳам зарар етказаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Уларни кузатиб турсангиз жаҳл устидами, шошганиданми гугурт ва сигареталарни турли жой, ўчмаган сигарета қолдиқларини ёнувчи буюмлар устига ташлаб кетади, чекиш мумкин бўлмаган жойларда чекишади.

Энг хавфлиси спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўринда ётиб чекишни айтиш мумкин. Спиртли ичимлик ичган фуқаро сигарета чекиб, ухлаб қолади, қўлидаги сигарета тушиб кетади ва буюмни ёндириб ёнғин бошланади. Ўчмай қолган сигарета ўрин кўрпаларни ёндириб, бошқа уй жиҳозларига ҳам ўтади, энг ачинарлиси бу ҳолатларда инсон ҳаёти хавф остида қолади. Кўпгина ҳолатларда инсонлар алангадан эмас балки сигарета тушиб қолган жойдаги гилам ёки бошқа буюмнинг тутунидан заҳарланиб ёки димиқиб ҳалок бўлишади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида яшаган фуқаро Р.Зокиров уйида маст ҳолда сигарета чекиб, ухлаб қолиши натижасида 5 кв. метр майдонда уй жиҳозлари ёниб зарарланган. Ёнғин натижасида у тутундан димиқиб, ҳалок бўлган.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик ўз қўлимизда. Озгина лоқайдлик ёнғинни келтириб чиқаришини доимо ёдда тутиш лозим.

Жалолиддин ҲАКИМОВ,
ЎзР ИИВ ЁХББ катта муҳандиси, майор

Болалар спорти

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – АСОСИЙ МАҚСАД

Тошкентда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 11 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва спорт билан шуғулланишини кундалик ҳаёт тарзига айлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган видеоконференция ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Э.Искандаров, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори У.Салимов, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари С.Сайдалиев, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари Д.Мирзажонова ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, айниқса, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий, барча шароитга эга спорт иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. У ерда ўғил-қизларимиз ўзи қизиққан спорт тури билан шуғулланиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш имкониятига эга бўлаётир. Айниқса, қизларни спортга қизиқтириш, уларга хос ва мос спорт турларини оммалаштириш, бунинг учун иншоотларни етарли спорт инвентарлари билан таъминлаш, хотин-қиз мураббиялар меҳнатини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз натижасини бермоқда.

Бугунги кунда спорт билан мунтазам шуғулланаётган қиз болалар сони 2005 йилдаги 24 фоиздан 47 фоизга, қишлоқ жойларда 22 фоиздан 44,7 фоизга ўсди. 2015 йилда спорт бўйича мураббий ва ўқитувчилар 2005 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди, жумладан, аёл спорт устозлари 3,8 баробар ошди.

Спортчи қизларимиз қитъа ва жаҳон чемпионатларида, нуфузли мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. Ўтган йиллар давомида спорт соҳасида ютуқларга эришган 44 нафар спортчи қиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлгани қувонарлидир.

Видеоконференцияда қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб этиш, айниқса, улар ўртасида сув спорти турларини кенг оммалаштириш, сузиш ҳавзаларида улар учун қулай шароит яратиш борасида хотин-қизлар қўмиталари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ахборотлари тингланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҚЎЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцентлар: Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, ўзбек ва хорижий тиллар, Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Геодезия ва кадастр, Бино ва иншоотлар кафедралари.

Катта ўқитувчилар: Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Архитектура тарихи ва назарияси, Геодезия ва кадастр, Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш, Қурилиш конструкциялари, Қурилиш технологияси ва ташкилиёти, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Менежмент, Информатика ва информацион технологиялар, Фалсафа ва ижтимоий сиёсий фанлар, Ўзбек ва хорижий тиллар, Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедралари.

Ассистентлар: Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Архитектура тарихи ва назарияси, Ландшафт дизайни ва интерьери, Расм, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси, Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Ўзбек ва хорижий тиллар, Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедралари.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни истаганлар Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13, Тошкент архитектура-қурилиш институти ходимлар бўлимига ёки Илмий котибга учрашишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс: 241-80-00.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 март** куни ҳаво ўзгариб туради, вақтивақти билан ёмғир ёғади, мамақалдироқ бўлиши эҳтимоли мавжуд. Гарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12 даража илиқ, кундузи — 14-16 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 март** ва **25 март** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ